

“Тасдиқланган”
«Guliston Ekstrakt –Yog’» АЖ
2016 йил 27 июндаги
умумий йиғилиши баёни билан

«Guliston Ekstrakt –Yog’» АЖнинг
Ижроия органи – Бошқаруви тўғрисидаги
НИЗОМ

1. Умумий қоидалар.

1.1. Мазкур Низом «Guliston Ekstrakt –Yog’» АЖ ижроия органи Бошқарувни шакллантириш тартиби, статуси ва ваколатлар доирасини аниқлайди, унинг аъзолари фаолиятини, ҳуқуқ, мажбуриятларини ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив Бошқаруви кодекси ва жамият Устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ижроия органини шакллантириш тартиби.

2.1. Guliston Ekstrakt –Yog’» АЖ нинг ижроия органи – коллегиял ижроия орган – Бошқарув ҳисобланади.

Бошқарув жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг қундалиқ фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият Бошқаруви 7 (етти) нафардан иборат бўлиб, унинг раҳбари (бош директор) жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда танлов асосида бир йиллик муддатга сайланади.

Бошқарув аъзолари бош директорнинг таклифлари асосида Кузатув кенгаши томонидан бир йиллик муддатга тайинланадилар. Ижроия органи аъзолари жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланиши мумкин эмас.

2.3. Жамият Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат контрактини жамият номидан жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

2.4. Жамият Бошқаруви акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади. (таъминлайди)

2.5. Жамият Бошқаруви Жамият Устави ва мазкур Низом асосида иш олиб боради.

2.6. Кузатув кенгаши раиси у ёки бу номзодни Бошқарув аъзолигига тавсия қилиб, номзодни касбий малакаси, меҳнат контракти шартлари, Бошқарув аъзосининг ижроия органи аъзолигини бажариши учун тўланадиган ойлик маоши, компенсация, рағбатлантиришлар миқдори ва меҳнат контрактини тузишга розилик билдирганлигини тасдиқлайдиган шахсий аризаси билан таништиради. Жамиятнинг Бош директорига, бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланиши мумкин. Номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиган Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок қилишлари мумкин.

2.7. Номзодларни Бошқарув таркибига сайлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин Кузатув кенгаши раиси, ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс улар билан функционал вазифаларини бажаришлари тўғрисидаги контрактни тузади. Тузиладиган контрактларда акциядорлик жамиятини фаолиятини самарадорлигини оширишни назарда тутувчи Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари, ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий шароитлари акс эттирилиши лозим.

2.8. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси ишлаб чиқаришни алоҳида тармоғини назорат қилади ва унга раҳбарлик қилади. Ижроси учун шахсан жавобгар бўлган функционал вазифаларга эга бўлади.

3. Жамият Бошқарувининг ваколатлари

3.1. Жамият Бошқарувининг ваколатлар доирасига жамият акциядорларининг мутлоқ ваколатига ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига кирган масалалардан ташқари жамиятнинг жорий фаолияти бўйича барча масалалар киради.

3.2. Жамият Бошқаруви ва унинг аъзолари уз фаолиятларини жамият Устави, умумий йиғилиш ва Кузатув кенгаши қарорлари, мазкур Низом, мансаб йуриқномалари ва меҳнат контракти талаблари доирасида олиб борадилар.

3.3. Жамият Бошқаруви мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг инвестицион фаолиятини амалга ошириш;
- Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатаётган хизматларига баҳо ва тарифларни тасдиқлаш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Филиал ва шўба корхоналар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активларининг 5 фоиздан 15 фоизгача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш, қарз, кредит ва гаров шартномаларини тузиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш ва уларни ходимлар томонидан сакланишини таъминлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- Жамият Бошқаруви қонунчилиқ, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. Жамият Бошқарувиغا раҳбарликни Бош директор амалга оширади.

3.5. Жамият Бош директорнинг мажбуриятлари ва ваколатларига кўйидагилар киради:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

- Ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- Штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият шуъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Жамиятнинг шуъба корхоналари ва филиаллари раҳбарларини лавозимга тайнлаш ва лавозимдан озод этаиш;
- Жамият филиаллари ва шуъба корхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш;
- Жамият филиллари ва шуъба корхоналарининг штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўлайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- жамият номидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳом-ашё сотиб олиш учун жамият соф активлари қийматининг 5 фоизигача бўлган миқдорни ташкил этган қарз ва кредит билан боғлиқ масалаларни яқкабошчилик асосида ҳал қилиш.
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- Жамият Бош директор қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- Бош директор ҳизмат сафари ёки бошқа сабабларга кўра бўлмаган вақтда, вазифаларини ўзининг буйруғи орқали директорларнинг бирига юклайди.

3.6. Жамиятнинг Бош директор вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади

3.7. Бош директор узининг функционал вазифаларининг бир қисмини, уларнинг бажарилиши бўйича маъсул бўлиб қолган ҳолда, бошқарув аъзоларига ўтказиши мумкин.

3.8. Уз фаолияти давомида Бош директор қуйидагиларга мажбурдир:

- Уз ваколатлари доирасида жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарув қарорларини бажарилишини ташкил қилиш;
- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларни бажарилиши устидан назорат қилишни ташкил қилиш;
- Жамият фаолиятида, Жамият ва унинг ходимлари томонидан қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- Ҳар чорақда Кузатув кенгаши олдида уз фаолиятининг натижалари, жорий давр фойдаси ва зарарлари тўғрисида ҳисобот бериш;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги йиллик молиявий ва бошқарув ҳисоботларни, маълумотларни уз вақтида тегишли органларга, акциядорларга, кредиторларга ва оммавий ахборот воситаларига ўз вақтида берилишини ва чоп этилишини назорат қилиш;
- Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билими, малакаси, тажриба ва қобилиятлардан фойдаланиш чоралари кўриш;
- Жамият ходимларини меҳнатини муҳофаза қилиш ва ижтимоий қафолатларини таъминлаш;
- Жамоа шартномаси ва келишувларни тузишда «Иш берувчи» сифатида чиқиш, жамоа шартномаси мажбуриятларни бажариш;
- қонунчилик билан берилган акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилмоқ;
- Жамиятни ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ булган бошқарув масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3.9. Жамият Бошқарувининг мажлисларини ўтказишни Бош директор ташкил этади. 5 аъзо катнашган Бошқарув мажлиси ваколатли ҳисобланади.

Бошқарув қарорлари мажлисда иштирок қилаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлис яқунлари қарор тариқасида қабул қилинади ва мажлисда иштирок қилган барча Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади.

4. Манфаатлар тўқнашуви

4.1. Агарда, Бошқарув органининг аъзоларидан бири акциядорлик жамияти томонидан тузилаётган битимдан манфаатдор бўлса, ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин ҳабардор қилиши шарт ва ушбу масаланинг муҳокамасида ва овоз беришда иштирок этмайди.

4.2. Бошқарув аъзолари, ўзларининг хизмат вазифалари орқали берилган ҳуқуқларидан меҳнат муносабатларида ёки мулкӣ

манфаатдорчилик бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларида фойдаланишлари мумкин эмас.

4.3. Бошқарув аъзолари, ўзларининг бошқарувига берилган акциядорлик жамияти мулкидан шахсий манфаат кўрадиган ҳаракатлар бажаришлари мумкин эмас.

4.4. Бошқарув аъзолари, бу сифатда фаолият кўрсатиш жараёнида, жамият билан рақобатдош, шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил қилишлари ва унда иштирок қилишлари мумкин эмас. Агарда сайланиш вақтигача иштирок қилишган бўлсалар, бу тўғрида жамият Кузатув кенгашини хабардор қилишлари лозим.

5. Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги

5.1. Жамият Бошқарув аъзолари ўзининг функционал вазифаларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардирлар. Бунда жамиятга зарар келтирадиган қарор қабул қилинишида иштирок қилмаган Бошқарув аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар. Агарда, Низомнинг ушбу банди қоидаларига асосан бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жавобгарлиги солидар бўлади.

5.2. Жамият ёки бир фоиздан кам бўлмаган миқдордаги жойлаштирилган, оддий акцияга эга бўлган акциядор, жамият Бошқарувига, унинг аъзосига нисбатан етказилган зарарни қоплаши тўғрисида судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Бошқарув аъзолари томонидан қонунчилик талаблари, жамият Устави, умумий йиғилиш, кузатув кенгаши қарорлари ҳамда улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши таъминланмаган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

5.4. Жамият Устави, мазкур Низом ҳамда бошқарув ички локал ҳужжатларда белгиланмаган масалалар, амалдаги қонунчиликка асосан хал қилинади.